

СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Меҳмонов Азизбек Якубович,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация:

Мазкур мақолада сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш натижасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар аниқланиб уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмунини ёритиш бўйича фикрлар илгари сўрилган. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалга ошириш тактикаси бўйича хулосаларга келинган.

Калит сўзлар: сўроқ, тактика, қонун, кадр-қиммат, ҳурмат, қийноқ, жазо, муомала, ҳуқуқ, хато, камчилик, тил, видеоёзув.

Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган тизимли ва изчил ислохотлар, биринчи навбатда, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликда инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришиш учун мунтазам равишда қонунчилигимиз таҳлил қилиниб, аниқланган хато ва камчиликларни ўз ўрнида тўлдириш мақсадида узлуксиз тарзда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб борилмоқда. Зотан, ҳамма нарсани ўз номи билан, ютуқни - ютуқ, камчиликни - камчилик деб иш олиб бормасак, биз ўз мақсадларимизга етолмаймиз. Ишимизда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни ўзимиз тузатмасак, муаммоларни ўзимиз ечмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишларни биз учун қилиб бермайди [1].

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунлар орқали ЖПКга сўроқ қилиш тергов ҳаракатини такомиллаштириш бўйича киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юқорида келтирилган фикрларнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон [2], 2018 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-476-сон [3], 2019 йил 15 сентябрдаги “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-567-сон [4], 2019 йил 6 декабрдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-587-сон [5] ва 2021 йил 7 декабрдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-735-сон [6] қонунларига асосан ЖПКга сўроқ қилишга доир қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлигини бунга ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин.

Мазкур қонунларни қабул қилиниши сўроқ қилиш давомида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига, уларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш масалаларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланишига эришилди. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ЖПКда сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг ўтказиш тартибига оид нормаларнинг таҳлили уларда бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд эканлигини, сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш юзасидан амалга оширилган ишлар ва суд-тергов амалиётининг таҳлили эса ушбу юзасидан ҳали-ҳануз ўз ечимини кутиб турган бир қанча муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишдаги мавжуд муаммоларни муҳокама қилишдан аввал, уларни муайян тизимга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнингча, айни вақтдаги сўроқ қилиш тергов ҳаракати билан боғлиқ

суд-тергов амалиётидаги муаммоларни қуйидаги икки тизимга ажратиб олиш айти муддао бўлади:

- 1) сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ амалий муаммолар;
- 2) сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ назарий муаммолар.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ амалий муаммоларга сўроқ қилинувчини сўроқ қилинадиган жойга чақириш, у келишдан бош тортган ҳолларда мажбурий келтириш, бир сўз билан айтганда, тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш жараёнида, шунингдек ўтказиб бўлинганидан кейин унинг натижаларини расмийлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни, қолаверса, бугунги кунда тергов идораларида хизмат олиб бораётган аксарият суриштирувчи ва терговчилар жуда ёш ва тажрибасиз, уларга устозлик қилиши лозим бўлган кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар деярли йўқлиги натижасида юзага келадиган билимсизлик, тажриба, малака ва кўникмаларнинг етарли даражада бўлмаслигини киритиш мумкин.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ назарий муаммоларга ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш асослари, турлари, тартиби ва натижаларини процессуал-ҳуқуқий расмийлаштириш жараёнларини тартибга солувчи қонун ва қонун ости меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларидаги бўшлиқлар, тушунмовчиликлар, зиддиятли ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишдаги ушбу муаммолар ўз вақтида таҳлил қилиниб, ўз ечимини топмас экан, келгусида тергов ҳаракатлари орасида энг кўп ўтказиладиган, далилларни тўплашдаги муҳим ва самарали восита саналган сўроқ қилиш натижаларидан исбот қилиш жараёнида фойдаланиш имкониятларини йўққа чиқаради ва олинган маълумотлар келгусида номақбул далил деб топилишига олиб келади. Энг салбий жиҳати, ЖПК нормаларини турлича талқин қилинишига ва турли ҳилда қўлланилишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, тергов, прокуратура ва суд амалиётидаги камчиликлар ҳам ҳуқуқий нигилизмга, ҳуқуқий онгининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин [7].

Шундай экан мавжуд хато ва камчиликларни, муаммоларни ўз вақтида таҳлил қилиб, уларни қонунчилик нормаларини такомиллаштириш орқали бартараф этиш лозим. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган



“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” деб номланган 14-мақсадида жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш каби қатор вазифалар белгилаб берилган [8].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг бугунги кундаги ҳолати ва суд-тергов амалиётининг таҳлили натижасида аниқланган баъзи бир хато-камчиликлар, муаммоларнинг муҳокамаси ва уларни бартараф этиш бўйича илгари сурилган қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларга ўтсак.

Маълумки ўзбек тилида бир-биридан мустақил бўлган икки даража: расмий ёзма ва унификациялашган (адабий тил билан адаштирмаслик керак) ҳамда жонли сўзлашув тили мавжуд [9]. Ҳатто бир-бирига жуда яқин жойлашган қишлоқлардаги инсонлар турлича лаҳжада гапиришлари мумкин.

Лаҳжа, диалект — умумхалқ тилининг муайян чегараланган ҳудудда жойлашган кишилар жамоасида бевосита алоқа воситаси сифатида қўлланувчи ва нисбатан яхлит лисоний тизим билан ажралиб турувчи кўриниши бўлиб, умумхалқ тилининг қуйи босқичи ҳисобланади, у шевага нисбатан кенг маънога эга бўлиб, шевалар йиғиндисидан таркиб топади. Ўзбек тилида 3 та асосий лаҳжа қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, қипчоқ лаҳжаси ва ўғуз лаҳжаси фарқланади [10].

Аҳоли ранг-баранг лаҳжаларда гаплашиши сабабли сўроқ баённомасига киритилган сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувларига терговчи томонидан субъектив тарзда адабий ишлов берилади. Ушбу жараёнда терговчининг кўрсатувни баённомада қайд этиш услуги шаклланади. Бундай ҳолатда сўроқ қилувчи ва сўроқ қилинувчиларнинг ҳам фойдасига, ҳам зиёнига ишлайдиган шароит юзага келади. Бир томондан, сўроқ қилувчи кўрсатувни мантикий мазмунини ўзига керакли шаклга келтириб олиши эҳтимол юқори бўлса, иккинчи томондан сўроқ қилинувчи ўз манфаати йўлида судда ҳақиқий кўрсатувини ўзгартириб, тергов ҳаракати вақтида аслида бундай деб кўрсатув бермагани, терговчи у айтган гапларини ўзига мослаб олганлигини даъво қилишига олиб келиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам адолат мезони бузилиб,

олинган далиллар номақбул деб эътироф этилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони [11] билан процессуал қонунчиликни жиддий бузган ёки ноқонуний услубларни қўллаган ҳолда тўпланган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгилаб ўтилган.

Шундай экан, сўроқ қилиш вақтида илмий-техник воситалардан фойдаланиш сўроқ пайтида олинган маълумотларни тўлиқроқ ва объектив бирлаштиришга ёрдам беради ҳамда сўроқнинг самарадорлигига таъсир қилади. Видео ва овоз ёзишдан фойдаланиш сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатмаларини унинг интонацияси ва нутқ хусусиятлари билан тўлиқ ва аниқ такрорлашга ёрдам беради. Бу эса ушбу кўрсатмаларга объектив баҳо беришга имкон беради. Шу билан бирга, овоз ёзиш, видеоёзувни судда такрорлаш мумкинлигини англаш сўроқ ўтказаетган шахсни ҳар бир ҳаракатини қонун талабига мувофиқ қилишга мажбур қилади. Шунингдек, сўроқ қилинувчини кўрсатувларни турли объектив ва субъектив сабабларга кўра ўзгартириш мақсадини тийиб туришга хизмат қилади. Бундан ташқари, тергов жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Чунки сўроқ қилувчи тергов ҳаракати видео ва овоз ёзиш орқали қайд қилинаётганлигини англаган ҳолда, ўзини сўроқ қилинувчига турли хил таъсир қилиш ҳаракатларидан тийиб туришга мажбур бўлади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сонли қарори [12] айтиш мумкин бўлди. Қарор юзасидан ички ишлар органларида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилди. Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди [13].



Бироқ, ЖПКнинг 91-моддаси 4-қисмида сўроқ қилиш видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар қаторига киритилмаган. Фақатгина 106-моддасининг 2-қисмида сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган холос. Гарчи шундай бўлсада, ҳозирги кунда терговчилар сўроқ қилинувчининг кўрсатув бериш билан боғлиқ мажбуриятини янада чуқурроқ англашига, ёлғон кўрсатув беришдан тийилишига ва келгусида кўрсатувни ўзгартириш ҳақидаги ниятни юзага келишини олдини олишга эришиш мақсадида, қолаверса, хавфсизлик нуқтаи назаридан тергов ҳаракатини видеоёзув орқали қайд этиб келишмоқда. Аммо қонун чиқарувчи сўроқ қилишни видеоёзув орқали қайд этиш юзасидан муайян мезон ва тартибни белгилаб бермагани боис, буни ҳар ким турлича шаклда, ўз билганича амалга ошириб келишмоқда. Мисол учун, кимдир сўроқ қилинувчини кўрсатуви видеоёзув орқали қайд этилиши ҳақида огоҳлантириб, буни баённомада кўрсатиб ўтса, яна кимдир оғзаки тарзда огоҳлантириш билан чекланмоқда. Афсуски, биз ушбу юзасидан ЖПКда бирор норма келтириб ўтилмагани боис, мисол келтирилган ҳар икки ҳолатни ҳам “тўғри” ёки “нотўғри” деб баҳолай олмаймиз.

Бизнингча, сўроқ қилинишидан олдин сўроқ қилинувчи сўроқ пайтида аудио ва видео ёзувдан фойдаланиш тўғрисида огоҳлантирилиши шарт. Аудио ва видеоёзув сўроқнинг бутун жараёнини акс эттириши ва сўроқ қилинаётган шахсларнинг тўлиқ кўрсатмаларини ўз ичига олиши керак. Фонограмма ва видеограмма дастлабки тергов тамомланганидан сўнг муҳрланган ҳолда иш билан бирга судга юборилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – 213 б.
2. <https://lex.uz/docs/3328284?ONDATE=07.09.2017%2000#3328649> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.03.2023 й)
3. <https://lex.uz/docs/3689258?ONDATE=19.04.2018%2000#3689688> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.03.2023 й)
4. <https://lex.uz/docs/4510598#4510890> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.03.2023 й)

5. <https://lex.uz/docs/4631276?ONDATE=07.12.2019%2000#4632313>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.03.2023 й)
6. <https://lex.uz/docs/5764516?ONDATE=07.12.2021%2000#5767007> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.03.2023 й)
7. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Халқ сўзи. – 2019 йил 9 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 07.04.2023 й)
9. <https://tarjumon.uz/uzbek-tili-faqat-ozbeklar-uchunmi-nega-mamlakatda-hanuz-davlat-tili-bilan-bogliq-muammolar-bor/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 07.04.2023 й)
10. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-l/lahja-uz/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 07.04.2023 й)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ–5268-сон Фармони. <http://www.Lex.uz>. /(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 11.04.2023 й)
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3180665> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 07.04.2023 й)
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – <http://ombudsman.uz>. /(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.04.2023 й)